

5-10-2019

PARTICIPATION AND ROLE OF UZBEKISTAN IN FINDING SOLUTIONS TO GLOBAL ENVIRONMENTAL PROBLEMS

Akram Gulomov

Teacher of Fergana state university in the department of philosophy

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Gulomov, Akram (2019) "PARTICIPATION AND ROLE OF UZBEKISTAN IN FINDING SOLUTIONS TO GLOBAL ENVIRONMENTAL PROBLEMS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 5 , Article 25.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss5/25>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

PARTICIPATION AND ROLE OF UZBEKISTAN IN FINDING SOLUTIONS TO GLOBAL ENVIRONMENTAL PROBLEMS

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ТОПИШДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИШТИРОКИ ВА РОЛИ

Акрам Гуломов

ФарДУ Фалсафа кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада глобал экологик муаммоларга ечим топишда Ўзбекистоннинг иштироки таҳлили қилинган. Бу борада Ўзбекистоннинг олиб боётган сай-харакатлари ёритилган. Глобал экологик муаммоларни мамлакатимизга кўрсатаётган таъсири ва ҳукуматимиз таклиф этаётган ечимлар кўрсатиб берилган.

Таянч сўзлар: глобал муаммолар, экологик муаммолар, орол муаммоси, озон қатлами, захарли чиқиндилар, тунроқ эрозияси ва саҳрога айланишга қарши кураш, ҳаво ва сув ифлосланиши.

УЧАСТИЕ И РОЛЬ УЗБЕКИСТАНА В РЕШЕНИИ ГЛОБАЛЬНЫХ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ

Акрам Гуломов

Преподаватель ФарГУ кафедры Философия

Аннотация: В этой статье анализируется участие Узбекистана в решение глобальных экологических проблемы. Действие Узбекистана отражены в этом отношении. Влияние глобальных экологических проблем на нашу страну и решение предлагаемые нашим правительством.

Ключевое слова: глобальная проблема, экологическая проблема, проблема Аральского море, азоновый алой токсичные отходы, эрозия почвы и борьба с опустыниванием, загрязнение воздуха и воды.

PARTICIPATION AND ROLE OF UZBEKISTAN IN FINDING SOLUTIONS TO GLOBAL ENVIRONMENTAL PROBLEMS

Akram Gulomov

Teacher of Fergana state university in the department of philosophy

Abstract: This article analysis Uzbekistan's involvement in addressing global environmental problems. There are shown the progress and efforts of Uzbekistan in this area. The impact of global environmental challenges on our country and the solutions proposed by our government

Key words: global problems, ecological problems, Aral sea issue, ozone layer, toxic waste, soil erosion and fight against becoming desert and obstruction of water.

Инсоният XX асрда дуч келган энг улкан ва жиддий муаммолардан бири бу шубҳасиз, экология бўҳронидир. 1972 йилда Стокгольмда БМТ Конференциясида атроф-муҳитнинг таназзули масаласи ўртага қўйилди. Шундан кейин ҳукуматлар глобал экологик муаммоларни юмшатиш ва мавжуд масалаларни ечиш бўйича, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яхшилаш борасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Дастурини ишлаб чиқдилар. 1980

йил БМТга аъзо бўлган давлатлар экология соҳасида бир неча катта хавф-хатарлар, масалан озон қатламини муҳофаза қилиш, заҳарли чиқиндиларни ташишни назорат этиш бўйича битимлар лойиҳаси муҳокама этилди.

Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "XXI асрга ташриф" дастурида атмосферани муҳофаза этиш, ўрмонларни асраб қолиш, тупроқ эрозияси ва саҳрога айланишга қарши кураш, ҳаво ва сув ифлосланишини олдини олиш, балиқ захираларини камайиб кетишига қарши кураш, заҳарли чиқиндиларни зарарсизлантириш масалаларини ҳал этиш кўзда тутилган.

Ҳозирда кенг жамоатчилик тамонидан глобал экологик вазият янада мураккаблашганлиги ва атроф-муҳит муаммолари ер юзининг барча ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий тизимлар билан мустаҳкам чатишиб кетганлиги тан олинмоқда. Инсонларнинг табиат устидан ҳукмронлик қилишга уриниши, айниқса, собиқ иттифоқ даврида Марказий Осиё республикаларидаги табиий ва сув захираларидан нотўғри, маҳаллий халқлар манфаатларини писанд қилмай фойдаланиш қандай оқибатга олиб келганини Орол денгизи қисматида кўриш мумкин.

Мана шундай таҳликали бир шароитда унинг ечими глобал сиёсий иштирокнинг, барча давлатлар манфаатларини уйғунлаштиришдан иборатлигини англаган Ўзбекистон раҳбарияти мустақилликнинг дастлабки даврларидан бошлаб Орол денгизи ва Оролбўйи регионидаги юзага келган экологик тангликни бартараф этиш чораларини кўришни бошлади. 1993 йил Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзга чиқиб, дунё ҳамжамияти диққат эътиборини нарқобизнес, халқаро терроризм, диний экстремизм, Афғонистондаги таҳликали вазият билан бир қаторда Орол денгизи фожеасига қаратди. Орол муаммоси нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиёнинг, балки бутун дунёнинг муаммоси эканлигини ташвиш билан таъкидлаб ўтди. Давлатимиз раҳбари атроф-муҳиттозаллигини назорат қилиш, экологик фожеаларни бартараф этишда БМТнинг ролини кучайтириш лозимлиги ҳамда Ўзбекистон бу борада-ушбу халқаро ташкилот билан доимо ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Бу гапларнинг аҳамияти қай даражада адолатли ва ҳақиқатга яқин эканлигини ҳозирга келиб ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Зотан, XXI асрнинг оламшумул фожеаси деб тан олинган экологик таназзулни бартараф қилиш биргина Марказий Осиё давлатлари имконияти даражасида ҳам эмас. Фақатгина жаҳон ҳамжамияти, йирик халқаро ташкилотлар, нодавлат уюшмалар билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш орқалигина ушбу муаммони бартараф этиш мумкин.

Мустақиллик йилларида жаҳон ҳамжамиятининг Орол атрофидаги экологик муаммони бартараф этишга бўлган эътибори ортди. Жаҳон банки, БМТ тараққиёт дастури ЮНЕП ташаббуси билан мазкур ҳудудга бир неча махсус миссиялар уюштирилди. Натижада Орол денгизи бўйича дастур қабул қилинди ва 1994 йилда Парижда бўлиб ўтган ривожланган давлатлар раҳбарлари учрашувида муҳокамага қўйилди.

1993 йил 26 мартда Қизил Ўрда шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари учрашувида Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича давлатлараро кенгаш ва Оролни қутқариш халқаро жамғармасига асос солинди. Жамғарманинг асосий мақсади Орол инқирози туфайли зиён кўрган ҳудудларда экологик аҳволни яхшилашга қаратилган илмий-амалий лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни молиялаштириш, умумий ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ечим топишдан иборат.

1995 йил сентябрда Нукусда И.А.Каримов ташаббуси билан Орол муаммоларига бағишланган халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Конференцияда дунёнинг кўплаб давлатларидан таниқли олимлар, давлат бошлиқлари иштирок этдилар. Нукус конференцияси Орол денгизи ҳавзасидаги экологик тангликни бартараф этиш учун жаҳон ҳамжамиятини минтақага илмий-техникавий ва молиявий кўмак беришга даъват этувчи тадбир бўлди. Конференцияда Марказий Осиё давлатлари бошлиқлари томонидан Нукус Декларацияси имзоланди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Орол муаммосига бағишланган учрашувлари 1995 йил

Маълумки, Орол муаммоси сув ресурслари тақсимоли ва сувдан фойдаланиш масалалари билан узвий боғлиқ. Жаҳон банки ва Глобал экологик фонд ҳамкорлигида «Орол денгизи ҳавзасида атроф-муҳитга сув ресурсларидан самарали фойдаланиш» лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов 1998 йил 12 майда ГЭФ дастурини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги фармонга имзо чекди [1].

2004 йил 3 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Ушбу қарорнинг асосий мақсади Оролбўйи экологиясини яхшилаш, аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни кучайтиришдан иборат эди. Қарорда жамғарманинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар кўрсатилди:

-минтақани барқарор ривожлантиришнинг асосий шарти сифатида Оролбўйи аҳолиси соғлиғини сақлаш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича тизимли дастурлар ва лойиҳалар ишлаб чиқишни ташкил этиш ҳамда уларни амалга ошириш;

-соғлиқни сақлаш минтақавий тизимини такомиллаштиришда, аҳолининг айниқса болалар ва аёлларнинг соғлиғи даражасини оширишда, санитария-эпидемиология вазиятини яхшилашда, кундалик ҳаётга оилавий саломатлик маданиятини жорий этишда ёрдам кўрсатиш;

-атроф табиий муҳит, шу жумладан Оролбўйи ноботот ва ҳайвонот дунёсини соғломлаштириш ҳамда муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этишга жамоатчиликни жалб этиш;

-минтақада биологик ранг-барангликни сақлашда ва тиклашда фаол иштирок этиш;

-юқорида кўрсатиб ўтилган муаммолар ва вазифаларни ҳал қилишга халқаро ташкилотларни кенг жалб этиш[2].

Ушбу қарор Оролбўйида экологик вазиятни барқарорлаштириш борасида амалга ошириладиган ишларнинг давоми бўлди. Бугунги кунда Оролбўйи минтақасидаги экологик ҳолатни реабилитация қилиш бўйича чора-тадбирлар фаол равишда амалга оширилмоқда ва кичик маҳаллий сув омборлари, ичимлик суви билан таъминлаш ҳовузлари ва бошқа ижтимоий инфраструктуралари қурилиши жадал олиб борилмоқда.

Орол денгизи масаласида Ўзбекистоннинг тутган позициясига тўхталиш мақсадга мувофиқ. Ҳукуматимизнинг сабъ-ҳаракатлари натижасида Оролбўйи ҳудудларида яшовчи аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимоялаш, иқтисодий, муаммоларни ҳал қилиш, янги иш ўрнларини ташкил этиш каби амалий ишлар қилина бошланди. Марказий Осиё давлатлари, аввало, Ўзбекистон минтақада экологик вазиятни яхшилаш учун кенг қўламли сабъ-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Экологик таҳдиднинг Ўзбекистон учун, умуман бутун Марказий Осиё минтақаси учун нақадар юқорилигини эътиборга олган ҳолда давлат ва ҳукумат атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, табиий заҳиралардан оқилона фойдаланиш масалаларига жуда катта эътибор бермоқда. Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик базаси яратилган бўлиб, мамлакатимиз бу соҳадаги барча асосий халқаро ҳужжатларга қўшилган.

Экологик муаммоларнинг қўлами ва мураккаблиги халқаро ҳамкорлик соҳасида комплекс тарзда ва кўп тармоқли ёндашув зарурлигини тақозо этмоқда. Бу масалаларни ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида маблағ билан таъминловчи, қўллаб-қувватловчи ташқи манбаларсиз ҳал қилиш қийин. Шу сабабли, республикамиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ, Ўзбекистон фаол равишда халқаро ташкилотлар ҳамкорлиги асосида халқаро Конвенцияларга қўшилиш жараёнини бошлади.[3]

Хулоса ўрнида қуйидаги фикрларни келтириш мумкин: биринчидан, Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида минтақавий ва глобал даражадаги экологик муаммоларни ҳал этишга ўзининг самарали ҳиссасини қўшиб келмоқда;

иккинчидан, дунё жамоатчилиги томонидан Ўзбекистоннинг олиб бораётган экологик сиёсати, ҳукуматимизнинг ташаббуслари ва жонкуярлиги эътироф этилмоқда.

References:

1. Baxodirov M.M. Mejdunarodnoe sotrudnichestvo Respubliki Uzbekistan v reshenii problem Aralskogo morya. AKD.-T., 2002, st-20.
2. Qishloq hayoti. 2004 yil, 6 aprel, № 48-49.
3. O'zbekiston Respublikasi tabiatni muhofaza qilish Davlat qo'mitasining 2003 yildagi ish yakunlari to'g'risida. «Ekologiya xabarnomasi», 2004 yil, №2, 10-beg.